ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙНИ АНГЛАШ

Хошимхонов Хондамир Муминович
Самбҳрам университети ходимлар бўлими бошлиғи,
ЖДПУ эркин тадқиқотчи

Аннотация

Ушбу мақолада мутафаккир шоир Хожа Аҳмад Яссавийнинг шаҳсияти, бой меъроси, шунингдек, унинг умуминсоний ғоялари, ахлоқий – таълимий фикрлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Яссавий, қадриятлар, мартаба, авлиё, шайх, тавҳид, Ҳақ, комиллик, мурид, тариқат, тасаввуф, меърос.

Аннотация

В данной статье анализируется личность, богатое наследие поэта-мыслителя Ходжи Ахмеда Яссави, а также его общечеловеческие идеи, нравственные и просветительские мысли.

Ключевые слова: Яссави, ценности, карьера, святой, шейх, таухид, истина, совершенство, мюрид, тарикат, мистика, наследование.

Annotation

Abstract: This article analyzes the personality, rich heritage of the thinker poet Khoja Ahmed Yassavi, as well as his universal ideas, moral and educational thoughts.

Key words: Yassavi, values, career, saint, sheikh, tawhid, truth, perfection, murid, tariqat, mysticism, inheritance.

Ахборот ва коммуникациянинг давлат ва жамият тараққиётидаги тутган ўрни беқиёсдир. Ахборотлар ҳаётимизга қулайликлар олиб келиши билан бир қаторда афсуски, айрим «шахслар» бундан ўзлари учун ғоявий қурол сифатида фойдаланаётганлари ҳам айни ҳақиқатдир. Глобал тармоқни тўлиқ назорат қилишнинг имкони йўқлиги эса бундай шахсларга қўл келмоқда. Бу инсонни ростданда ташвишга соладиган жиддий муаммо. Айниқса, таҳликали бугунги замонда миллат ёшлари онгига одоб-ахлоқни емирувчи “оммавий маданият” каби иллатлар таъсир ўтказаётгани борган сари яққол сезилиб қолмоқда.

Бу борада ёш авлодни тарбиялашда маърифатпарвар Хожа Аҳмад Яссавийнинг бой маънавий меросини ўрганишларини тавсия этишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Зеро ғояга қарши ғоя билан, жаҳолатга қарши эса маърифат билан курашилади. Хожа Аҳмад Яссавий яшаган даврда ҳам худди бугунги кундагидек таҳликали ҳолат ва ахлоқсизликлар мавжуд эди.

Тасаввуф таълимотининг вужудга келиши сабаби ислом динининг пайдо бўлиши ва унинг ички моҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Илк сўфийлар аҳолининг қашшоқлашган қисмини ташкил этар эдилар. Улар истилочилар зулми, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизликка қарши норозилик рамзи сифатида юзага келган. Шундай тасаввуф алломаларидан бири Хожа Аҳмад Яссавийдир. Аҳмад Яссавий донишманд, шоир, яссавийлик тариқатининг асосчиси бўлиб, Сайрамда туғилган. Отаси Шайх Иброҳим узоқ йиллар Ясси ва Сайрамда шайхлик қилган. Яссавий пири Арслонбоб маслаҳати билан Бухорога бориб, Юсуф Ҳамадонийдан тасаввуф бўйича мукаммал маълумот олган. Сўнгра, Туркистонга қайтиб сўфийликни тарғиб этган. Эл орасида катта обрў орттириб, авлиё дея улуғланган. “Мадинада – Муҳаммад, Туркистонда Аҳмад” деган овозлар тарқалган. Яссавий Яссида қазо қилган ва мозори муқаддас қадамжога айланган. 1395–97 йилларда Амир Темур Яссавийнинг қабри узра маҳобатли мақбара қурдирган.[87]

Тасаввуф таълимоти Яссавия номи билан боғлиқ. Хожа Аҳмад Яссавий шеърларининг ҳар парчасига “ҳикмат” унвони берилган, улар китоб ҳолига келтирилган. Баҳоуддин Нақшбандга тааллуқли деб тан олинган “Дил ба ёр, даст ба кор” иборасини ҳам

[87] Ислом энциклопедияси. (А-Ҳ) Ҳусниддинов З, таҳрири остида. –Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004. –Б. :281.

биринчи бор Аҳмад Яссавий “Дилинг Худода, қўлинг ишда” шаклида баён этган. Демак, Яссавий тариқати билан Нақшбанд таълимоти моҳиятан яқиндир. Аҳмад Яссавий Қуръон ҳикматлари, ҳадислар мазмунини ва тасаввуф ғояларини қўшиб, уни инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғриликни, орифлик, ошиқлик, ҳилват ва узлат билан боғлаган. У тасаввуф ғояларини халқ орасига ёйиб, нафс ва худбинлик каби кўпгина ёмон иллатларни қаттиқ танқид қилган.

Яссавий тузган тариқатнинг барча ақидалари “Девони ҳикмат” шеърий асарида баён этилган. Унда поклик, тўғрилик, камсуқумлик, меҳр – шафқат, ҳалол кун кечириш, нафсни тийишга интилиш, иймонли бўлиш каби асл инсоний фазилатлар улуғланган. Золимлар, порахўрлар, мутаассиб шайхлар, жоҳил ва нодон кимсалар эса қораланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда Яссавий ҳаёти, фаолияти ва ижоди кенг ўрганилиб, илмий тадқиқотлар яратилди. “Девони ҳикмат” 2 марта (Тошкент, 1991, 1992) кўп нусхада чоп этилди. Ўзбекистонда 1993 йил “Аҳмад Яссавий йили” деб эълон қилинди. Яссавия тариқатига асос солиш учун Яссига қайтди ва атрофидаги инсонларнинг таълим – тарбияси билан шуғулланди. Уларни дин асосларига кўра вояга етказди. Тарихда кейинчалик турли тариқатларга асос солажак улуғ мутасаввифлар етиштирди.

Аҳмад Яссавий устози вафотидан кейин бироз вақт Бухорода унинг ишини давом эттиради. Яссавий фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ ўз дунёқарашини халқ орасида кенгроқ ёйиш мақсадида туркий қўшиқларга яқин шеърлар ижод қила бошлайди. Кейинчалик, Яссига қайтиб кўплаб тарафдорлар, шогирдлар орттиради.

Бизга қадар Яссавийдан “Девони ҳикмат” номли шеърлар китоби сақланиб қолган. Бу асар ҳамма замонларда, барча туркий забон авлодларга манзур ва мақбул бўлиб келган. Зероки, у инсонни асл комилликка элтадиган дин, имон, Худо йўлида фидоийлик, эътиқодда собитлик, ҳалоллик, покликни тарғиб – ташвиқ этади. Кишиларни асл мақсад – Худога эришмоқ пайида машаққат – риёзат чекмоққа, маърифат касб этмоққа, исломий ва дунёвий аҳкомларни эгалламоқликка чорлайди. Филология фанлари доктори Эргаш Рустамов “Хўжа Аҳмад Яссавий масжиди пештоқига Ҳазрати Расулуллоҳнинг “Талабул илми фаризатун ала кулли муслимин ва муслиматин” – “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарз”, деган ҳадис битилганини қайд этган. Шунингдек, Яссавий ҳикматларида тўғрилик, меҳнатсеварлик, мўминларга меҳрибонлик, инсоф, мурувват ғояларини илгари сурган. Айрим ҳикматларда ижтимоий адолатсизликка қарши кескин фикрларни, дилозор, мардумозор бўлмасликка даъватни кўрамиз. Айни пайтда Яссавий, нодонлик, жаҳолат ва разолатни қаттиқ қоралади. Шунинг учун ҳам ўтмишда Яссавий ҳикматлари сингари унинг шахсияти, шуҳрати ҳам Туркистонда кенг тарқалган. Халқ орасида Яссавийни донишманд, башоратчи ва нозикбин аллома Ҳаким сифатида васф этувчи кўплаб ривоятлар, латифалар яратилган. Афсуски, бу ҳикоятлар кўҳна дастхатлардан сараланиб, тўпланиб бир китоб ҳолига келтирилмаган.[88]

Яссавий етиштирган муридларини бошқа туркий ўлкаларга жўнатди. Улар борган жойларида Яссавийнинг шеърларини тарғиб этдилар. Унинг таълим – тарбия усулини ишга солиб, шахсларни тарбияладилар. Дастлаб Онадўли ва бошқа туркий диёрларда ислом маданияти ва тасаввуфининг тарқалишида Аҳмад Яссавий бирламчи роль ўйнади. Онадўлининг маънавий фотиҳлари бўлган Ҳожи Байрам Валий, Ҳожи Бектоши Валий, Юнус Эмро ва Жалолиддин Румийлар бир жиҳатдан Аҳмад Яссавий таълимотининг давомчиларидир. Улар Яссавий бошлаган ҳаракатни Онадўлида давом эттирдилар.[89]

Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Хожа” аталишини қуйидагича талқин қиладилар: ўша даврда Сайрам аҳолиси уч уруғ, уч тоифага бўлинган. Биринчиси – нисбалари эски шоҳларга бориб тақалувчи “шоҳ” уруғи. Иккинчиси – эски амир ва мирзоларга боғлиқ “амир” уруғи. Учинчиси – аждодларини ҳазрат Алига боғлайдиган “хожа” уруғи. Хожа

[88] Ҳомиджон Ҳомидий. Кўҳна шарқ дарғалари. – Т.: “Шарқ” ,1999. –Б. :109.

[89] Ҳомиджон Ҳомидий. Кўҳна шарқ дарғалари. – Т.: “Шарқ” ,1999. –Б. :110.

уруғи, табиийки, бошқа уруғлардан шарафли бўлган; хожалар ўзларини Имом Муҳаммад Ханафий авлодларидан деб ҳисоблаганлар. (Мулло Мусо бинни Мулло Исо Сайрамийнинг “Тарихи аминия”сида бу ҳақда кенг тўхталинган)[90].

Хожа Аҳмад Яссида таълим ва иршод билан машғул бўлган, атрофида муридлар кўпаяверган (бир ўринда ёзилишича, тўқсон тўққиз минг муриди бўлган) шуҳрати бутун Туркистонни, Мовароуннаҳру, Хоразму, Хуросонни тутди. Муридларига зоҳир ва ботин илмларни ўргатди, қолган вақтда тоат – ибодат қилди, бўш вақтларида қошиқ ва қипча йўниб, уларни сотароқ кун кечирди... [91]

Аҳмад Яссавийнинг туркий адабиётдаги тарихий хизмати ҳикматнавислик анъанасини бошлаб берганидир.

Алишер Навоий бу улуғ пир ҳақида шундай сўзларни битиб қолдирган: “Аҳмад Яссавий – Туркистон мулкининг шайхул машойихидир. Мақомати олий ва машҳур, каромати матаволий ва номаҳсур эрди. Мурид ва асҳоб ғоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродат ва ихлоси остонасида ниҳоятсиз эрмиш”. [92]

Яссавийнинг тарки дунёчилигини зоҳидлар тарки дунёчилигидан ҳам фарқлаш керак. Зоҳидлар тақвоси тагида жаннатдан умидворлик, яъни таъма мавжуд бўлса, сўфийлар тарки дунёчилиги замирида Аллоҳга муҳаббат ётади.

Аҳмад Яссавий шеърияти энг халқчил ва халқсевар, ҳақсевар шеъриятдир. Унинг ғоялари инсоният қозонган энг ардоқли ғоялар қаторида абадий яшаб келаверади.[93]

Қуйида Яссавий ижодидан намуналар келтирамиз:

Суннат эмиш кофир бўлса берма озор,
Кўнгли қоттиғ дилозордин Худо безор.
Аллоҳ ҳаққи ондоғ қулға Сижжин тайёр,
Донолардин эшитиб бу сўз айдим мано.

Исломий таълим – тарбияда кўнгил ранжитмаслик ва барчага меҳр – шафқат билан муомала қилиш бош талаблардандир. Буни Яссавий ҳазратлари ҳам махсус таъкидлаган ва унинг дидактик фикрлари ҳар қандай давр учун қимматлидир.

Ушбу ҳикматларида эса салбий иллатларни қоралаб шундай дейди:

Мунофиқлар юрурлар,
Фисқу фасод қилурлар.
Ҳаром луқма еюрлар,
Қўрқиб йиғлар Хожа Аҳмад.

Яссавий ўз ҳикматларида энг катта разолат ёлғон гапиришдир, деб ахлоқий ўгит берган:

“Ал – каззобу ла уммати” деди сизга,
Ул Муҳаммад Ҳақ расули ойди бизга .
Ёлғончиға жаннат йўқтур валлоҳ онга,
Ёлғон сўзлаб имонсизин кетманг дўстлар.

Яссавий ҳам ўзининг пири бузруквори Шайх Юсуф Ҳамадонийга ўҳшаб мол – дунё тўплашга мутлақо қизиқмаганини, камбағалпарвар ва ғарибпарвар бўлиб яшаганлигини унинг баъзи бир ҳикматларидан ҳам билса бўлади. Мол – дунёга, бойликка ва давлат орттиришга муккасидан кетган, хасис, ва очофат кишиларни Яссавий беаёв танқид қилади:

Бешак билинг бу дунё барча халқдан ўтаро,
Ишонмағил молингга, бир кун қўлдан кетаро,
Ота, она, қариндош қаён кетди, фикр қил,
Тўрт оёқлиқ чўбин от бир кун сенга етаро.
Тўрт оёқлиқ чўбин от – бу тобутдир.

---

[90] Мирхолдоров М. Хожа Аҳмад Яссавий. “Шажараи саодат”. – Чимкент, 1992. – Б.:129.

[91] Мирхолдоров М. Хожа Аҳмад Яссавий. “Шажараи саодат”. – Чимкент, 1992. – Б.:130.

92 Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат мин шамойим - ул футувват. –Т., “Фан”.2014. -Б. :20

[93] Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Яссавий ҳақиқати. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – Б. :80.

Ҳақни тушуниб етишга, одоб – ахлоқни ўрнига қўйиш, қизу жувонларни хаёли қилиб тарбиялаш лозимлигини қуйидаги сатрлар орқали ифодалайди:

Улуғ – кичик ёронлардин одоб кетти,
Қизу заъиф жувонлардин ҳаё кетти,
“Алҳау мин ал – имон” деб Расул айтти,
Ҳаёсиз қавм ажойиблар бўлди, дўстлар.

Аҳмад Яссавий одамларни эзгу инсоний фазилатлар йўлида тарбиялаш мумкин, деган ғояни олға суради. У инсон маънавий пок бўлиши лозим, дейди. Шунга ўҳшаш фалсафани рус ёзувчиси Л.Н.Толстой ҳам ўз вақтида ташвиқ этган эди. Аҳмад Яссавийча, инсон маънавий пок бўлиши учун ўз нафсини енгиши керак. Чунки нафс – шайтондир. У одамнинг ичида бўлади ва уни фақат ёмонликка йўллайди:

Золимларни шиква қилма, золим ўзунг,
Хўйинг риё, таъсир қилмас халққа сўзунг.
Дунё молин тўла бердим, тўймас кўзунг,
Хорисларни сажин ичра солдим мано.

Яссавий йўқсил ва ғарибларга ёрдам қилиш – комиллик белгиси эканини айтади. Аллоҳ расулининг фақирларга яхшилик қилганини ўрнак қилиб:

Қайда кўрсанг кўнгли синуқ малҳам бўлғил,
Ондоғ мазлум йўлда қолса ҳамдам бўлғил.
Рўзи маҳшар даргоҳига маҳрам бўлғил,
Моуманлик халойиқдан кечтим мано.
Ғариб, фақир, етимларни Расул сўрди,
Ўшал туни Меърож чиқиб дийдор кўрди.
Қойтиб тушуб ғариб етим излаб юрди,
Ғарибларни изин излаб туштим мано.
Етимни кўрсангиз, оғритмангсизлар,
Ғарибни кўрсангиз, доғ этмангизлар.
Етимлар бу жаҳонда хор экандур,
Ғарибларни иши душвор экандур.

Яссавий асос солган тариқат бир жиҳатдан таълим – тарбия муассасасидир. Тариқат маросим ва тамойиллари инсонни баркамол бир мусулмон бўлишини мақсад қилиб қўйган. Ислом тарихига назар ташлайдиган бўлсак, тасаввуф тариқатлари халқ оммасининг исломни англаган ҳолда ҳаётга тадбиқ этиши ва моддий – маънавий жиҳатдан тараққий қилиши учун шароит ҳозирлаган муассасалар сифатида фаолият кўрсатиб келган.

Яссавий золим ҳукмдорлар ва етим ҳақларини еганларнинг оқибатлари ёмон бўлишини содда тил билан баён этади:

Золим бўлиб зулм этғон, етим кўнглин оғритғон,
Қора юзлиғ маҳшарда қўлин орқада кўрдим.

Айни пайтда шоир бева – бечораларга раҳм – шафқатли бўлиш, хайр – саҳоват, мурувватли, очиққўл бўлишга ҳам чорлайди, халқ бошига “турли бало” ёққанидан афсус, надомат чекади:

Аҳли дунё халқимизда саховат йўқ,
Подшоларда, вазирларда адолат йўқ.
Дарвешларни дуосида ижобат йўқ,
Турлук бало халқ устиға ёғди дўстлар.

Яссавий айрим ҳикматларда меҳнаткаш халқни талаётган замон ғаддорларини рўй – рост танқид қилади, адолатли, меҳр – шафқатли бўлишга чорлаган. Хусусан, шайх – зоҳидлар, айрим муллолардан диёнат кетгани , зулм – зўрликка берилиб, етим - есир, фуқаро ҳақини ейишдан қўрқмаётгани очиб ташланади. XI –XII асрларда Хуросону Мовароуннаҳрда юз берган қаҳатчилик, мўғуллар истилосининг асоратлари танқид қилинади. Адолат, инсоф, раҳм – шафқат ўрнини бедиёнатлик, такаббурлик олганидан

нолийди, ҳимоясиз қолган халққа ҳамдардлик изҳор этади. Бундай ҳикматларда ижтимоий руҳ билан маънавият ҳақидаги фикрлар қоришиб кетган:

На анода раҳм қолди, на отода,
Оғо – ини бир –бириға можарода.
Мусулмонлиқ даъво қилур, ичар бода,
Мастлиғ билан қариндошдин тонди, кўрунг.
Нокас, хасис, бедиёнат қуллар ҳоким,
Моуманлик ҳаддин ошиб бўлди золим,
Халқ ичида хор бўлдилар дарвеш, олим,
Ҳимояти халқни кофир бўлди, кўрунг.
Эшон, шайх, хўжа, мулло дунё излар,
Ул сабабдин подшоларға ёлғон тузлар,
Оят, ҳадис сўзин қўюб, мулкни кўзлар,
Хақ йўлида ҳаргиз меҳнат тортқони йўқ,
Охир замон шайхлар иши ҳамма риё,
Рўзи маҳшар риёлари бўлғай гувоҳ,
Шайхман теку мунча ҳаво мунча бино,
Олло учун зарра жавоб эткони йўқ.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг турк – ислом тарихидаги ғоявий қарашлари ҳақида фикр юритилганда, Яссавий ҳикматлари ғоявий –бадиий нуқтаи назардан XII аср турк – ислом шеъриятининг мумтозидир. Яссавийнинг илмни ва маънавий жиҳатдан камолот касб этиши, улуғ - пир муршиди комил бўлиб етишиши ва турк – ислом дунёсида асрлар мобайнида унга нисбатан кўрсатилган эҳтиромнинг бош манбаи – тасаввуф маданиятидир. Яссавийнинг энг асосий хусусияти – унинг буюк сўфий, забардаст муршид, яссавиядек бир тариқатнинг асосчиси бўлганлигидир. Мана шулар туфайли у Марказий Осиёда “Пири Туркистон”, “Ҳазрати Туркистон” каби лақаблар билан шуҳрат топган.

Хуллас, Яссавийнинг ижодиёти фалсафа тарихида ҳам, халқимиз тарихида ҳам хос мавқега эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ислом энциклопедияси. (А-Ҳ) Ҳусниддинов З, таҳрири остида. –Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2004.

2. Ҳомиджон Ҳомидий. Кўҳна шарқ дарғалари. – Т.: “Шарқ” ,1999.

3. Мирхолдоров М. Хожа Аҳмад Яссавий. “Шажараи саодат”. – Чимкент, 1992.

4. Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат мин шамойим - ул футувват. –Т., “Фан”.2014.

5. Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. Яссавий хақиқати. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999.